

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЕТ УНИВЕРСИТЕТИ
“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ”

“Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедраси

Дадабаева Р.А., Насрединова Ш.

“ИНФОРМАТИКА”
фанидан мустақил ишларини бажариш бўйича
услубий қўрсатма

ТОШКЕНТ - 2007 йил

«Тасдиқланди»
«Ахборот технологиялари ва менежмент» факультети илмий
Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган
Кенгаш раиси проф. Б.А.Бегалов

« ___ » _____ 2007 й.

Услубий кўрсатма “Иқтисодиётда ахборот тизимлари”
кафедраси мажлисида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган

(мажлисининг № ___ сонли баённомаси)

« ___ » _____ 2007 й.

Кафедра мудири _____ Гуломов С.С.

Мустақил ишининг вазифалари ва мазмуни.

Мустақил таълим ўқув режасининг асосий бўлимларидан ҳисобланади ва фанни ўқитиш жараенида мажбурий аҳамиятга эга. Мустақил таълим сифатида иқтисодий компьютёрлаштириш, автоматлаштирилган иқтисодий ахборот тизимларининг замонавий ҳолати чуқурроқ ўрганилиши лозим.

Мустақил таълим мавзулари талабаларга мустақил ўрганишга мўлжалланган маъруза ва амалий машғулотларидан берилади. Мустақил таълим талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштиришга, иқтисодий масалаларни лойиҳалаштириш жараенида ахборот технологиялари воситалари ва усулларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишда курс ишини бажариш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Курс лойиҳаси талабаларнинг «Информатика» фани ва унга яқин бўйича билимларини лойиҳа ишида қўллай олишларини аниқлашга қаратилган. Талаба, курс лойиҳасини бажара туриб, ҳисоблаш жараенларининг алгоритмларини тузиш ва Паскаль тилида дастурларни яратишни, ҳисоблаш технологияси воситалари, илмий-техник адабиётлар, информатика соҳасида андозалар ва раҳбарлик қилувчи услубий материаллардан мустақил равишда фойдаланиш, танланган тажрибани умумлаштириш ва илмий асосланган хулосалар ва таклифлар бўйича ўзининг билимини намоён қилиши керак.

Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад — профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим, кўникмаларини чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишини шакллантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда «Информатика» фанининг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни турли хил ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, лаборатория ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, курс ишини бажариш, битирув малакавий ишини тайёрлаш, анжуманларга маъруза тезисларни тайёрлаш, фан олимпиадаларида иштирок этиш, илмий жамиятлар ва тўғаракларда иштирок этиш, кафедраларнинг илмий ишларида иштирок этиш ва ҳоказолар. Мустақил иш учун намунавий мавзулар: Windows, Unix Linux Операцион тизим (ОТ)лари, Антивирус дастурларининг турлари ва вазифалари, кодлаш тизимлари ва ЭХМ да информацияни тасвирлаш, Саралаш масалалари, TP модул (CRT, OVERLAY, SYSTEM, PRINTER) лари, TP да объект тушунчаси, динамик файл туридаги ызгарувчилар, Растр графикаси (Photoshop), Вектор графикаси (Corel Draw), Анимация графикаси (Flash MX), MS office иловалари (Power point), Latex матн муҳаррири ва мультимедиа технологиялари.

Мустақил ишининг ташкилий шакллари.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда “Информатика” фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни турли хил ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот тайерлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайергарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайергарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- курс ишини бажариш;

- илмий мақола, анжуманларга маъруза тезисларини тайерлаш.

Мустақил ишлар мавзулари ва топшириқлари.

Мустақил ишлаш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Замонавий ахборот тизимларини асослари ва уларнинг таснифи.
2. Автоматлаштирилган иқтисодий ахборот тизимларини замонавий технологиялари.
3. Замонавий ҳисоблаш тизимлар ва тармоқларининг техник таъминоти
4. Маълумотларни қайта ишлаш тизимларининг ахборот таъминоти.
5. Маълумотлар базаларида ахборотни қайта ишлаш технологиялари, усуллари ва воситалари.
6. Маълумотларни қайта ишлашнинг усуллари ва воситалари.
7. Windows NT операцион тизими ва унинг имкониятлари.
8. Муаммоли-йўналтирилган амалий дастурлар: векторли редактор CorelDRAW.
9. MS Excel жадвал процессори муҳитида статистик маълумотларини қайта ишлаш.
10. MS Power Point презентациялар тайерлаш дастурида объектларни бошқариш.
11. Паскаль дастурлаш тилининг махсус кутубхонаси ва ундан фойдаланиш.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш.

Информатика фанидан талабанинг мустақил ишини баҳолаш ТДИУ ректори томонидан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат ва баҳолаш тўғрисидаги Низом”и асосида амалга оширилади. Талабанинг мустақил иши, фан бўйича ишчи дастурида ажратилган соатларда мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

**2007-2008 ўқув йилида 1-курсда таълим олаётган талабалар учун рейтинг мезонлари.
1- семестр учун: Жами соатлар хажми 120, шу жумладан аудитория соатлари 60
(20 соат маъруза, 20 соат амалий ва 20 соат тажриба машғулоти), мустақил таълим 60 соат.**

Хафта		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	Жами	
Жорий назорат	Маъруза машғулотидаги фаоллиги	0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		5	
	Маъруза машғулотида тайёрланиб келиши		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		0,5		5
	Тажриба машғулотидаги фаоллиги	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	20
	Амалиёт машғулотида уй вазифасини бажариш		1		1		1		1		1		1		1		1		1		1		10
	Мустақил ишларни бажариш	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	10
Жами ЖБ		2	3	2	3	2	3	2	3	2	3	2	3	2	3	2	3	2	3	3	3	3	45
ОВ								20							20								40
ЯБ																						15	15
Жами		2	3	2	3	2	3	22	3	2	3	2	3	2	23	2	3	2	3		15	100	